O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
SHEROBOD TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ШЕРАБАДСКОГО РАЙОНА

20 20 y « 25 » сентябрь № Қ-1365 « » 20 г

2021 йилда Шеробод туманида ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда кийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда кийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 10-банди ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. 2021 йилда Шеробод туманида ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда кийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича корхона ва ташкилотлар кесимида иш ўринларини ташкил этиш рўйхати иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони 20 нафар кишидан ортикни ташкил этадиган ташкилотлар сонидан келиб чикиб, Шеробод туманида ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахслар учун 97 та иш ўринлари банд қилинганлиги, жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 34 фоиз (35 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 54 фоиз (53 киши);

сафарбарлик чакируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 3.2 фоиз (4 киши);

ногиронлар учун 2 фоиз (2 киши);

пенсияолди ёшидага шахслар учун 2 фоиз (2 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод килинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурий чоралари кўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 2 фоиз (2 киши) миқдорида иш ўринлари захираси корхона ва ташкилотлар кесимида белгилансин.

3. Ижтимоий муҳофазага мухтож шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз мехнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига мувофиқ ташкил этилсин.

4. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдикланган "Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда кийналаётган ва мехнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ушбу қарорни иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин.

5. Туман хокимининг мухтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарорни бажармаган, шунингдек, уларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этган корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгилансин.

6. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори (Ғ.Сулаймонов) беш кун муддатда ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

Марказ томонидан йўлланма асосида захираланган иш ўринларига мухтожларни ишга жойлаштириш учун белгиланган сонидан ортиқ миқдорда ишга кабул килган ташкилотларга 12 ой давомида хар бир ишга қабул қилинган ходим учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида субсидия тўланиши белгилансин.

7. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ойдан сўнг кучга кириши белгилансин.

8. Мазкур қарор "Шеробод хаёти" газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор кучга киргандан кейин туман хокимининг 2019 йил 23 сентябрдаги Қ-5224-сонли қарори бекор қилинсин.

10. Ушбу қарорни назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари У.Панжиев зиммасига юклатилсин.

Ҳоким **А.Амиров**